

10576-109468-сонли БАНК
ҲИСОБВАРАҒИ ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш.

21.12.2021 й.

Бир тарафдан АТ «Алоқабанк» Амалиёт ҳудудий комплекс хизматлар кўрсатиш маркази (бундан буён матнда «Банк» деб аталувчи) номидан 2021 йил 09 августдаги 07-04/214 сонли Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Марасулов Комил Алимович ва иккинчи Тарафдан O'zRes ATKRV huzurida BINOLARDAN FOYDALANISH VA KAPITAL QURILISH DIREKSIYASI DM (бундан буён матнда «Мижоз» деб аталувчи) номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи, Алиев Фирдавс Алимович, бундан буён биргаликда «Тарафлар» деб аталувчи, ушбу Шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

1. ТУШУНЧАЛАР

- а) Ҳисобварақ — Мижоз номига очилган барча ҳисобварақлар, шу жумладан, талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли, ссуда ва бошқа депозит ҳисоварақлар.
- б) Тўлов ҳужжатлари — ҳисобварақлар бўйича операцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган қонунчиликда белгиланган ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва Мижознинг топшириғи ифодаланган бошқа ҳужжатлар (аризалар). Ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва тўлов ҳужжатлари бир хил мазмунда ишлатилади.
- в) Иш куни — Банкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаши мумкин бўлган кун.
- г) Амалиёт куни — агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси вақти билан соат 9-00 дан 17-00 гача бўлган вақт.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Банк ушбу Шартномада кўрсатилган асослар ва тартибда Мижознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, Мижознинг ҳисобварағидан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа амалиётлар (бундан буён матнда «Операциялар» деб юритилади)ни амалга ошириш ҳақидаги Мижознинг топшириғини бажариш мажбуриятини олади, иккинчи Тараф – Мижоз (ҳисобварақ эгаси) ушбу Шартномада кўрсатилган асосларда ва тартибларда хизмат ҳақи тўлаш мажбуриятини олади.

2.2. Агар Тарафлар ўртасида тузилган бошқа шартномаларда ўзгача шартлар назарда тутилмаган бўлса, Банк томонидан кўрсатилган барча хизматлар учун ушбу Шартнома шартлари қўлланилади.

2.3. Агар Тарафлар ўртасида тузилган Шартномада бошқача шартлар назарда тутилмаган бўлса, Мижоз номига очилган барча ҳисобварақларга ушбу Шартнома шартлари қўлланилади.

3. МИЖОЗГА ҲИСОБВАРАҚ ОЧИШ

3.1. Қонунчиликка ва қонунчиликка мувофиқ белгиланган талабларга мос келадиган, Банк қоидаларида назарда тутилган муайян турдаги ҳисобварақларни очиш учун Банк томонидан эълон қилинган шартлар асосида ҳисобварақ очиш тўғрисида мурожаат қилинган тақдирда Банк ҳисобварақ очиши мумкин.

3.2. Агар юзага келган масала Томонлар ўртасида бошқа битим тузишни талаб этмаса, Ушбу Шартнома тузилгандан сўнг, Мижоз номига бошқа ҳисобварақ очиш учун алоҳида шартнома тузиш талаб қилинмайди.

4. АСОСИЙ ШАРТЛАР

4.1. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ бажаришга рухсат этилган (лицензия берилган) Операциялардан барчасини ёки улардан ўзи лозим топганини бажаради.

4.2. Банк Мижозга иш куни ва амалиёт куни давомида хизмат кўрсатади ва Операцияларни амалга оширади.

4.3. Банк Мижознинг ҳисобварағи бўйича Операцияларни, агар ушбу шартномада бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, асосларда ва тартибда амалга оширади.

4.4. Банк Мижознинг Операцияни амалга ошириш ҳақидаги топшириғини барча зарур маълумотлар мавжуд бўлганда ижро этади.

4.5. Мижоз ҳисобварақда ҳар амалиёт кунининг охирига базавий ҳисоблаш микдорининг 5 (беш) баробаридан кам бўлмаган миқдорда пул маблағлари қолдиғини таъминлайди.

4.6. Мижоз номидан ҳисобварақдаги маблағларни ўтказиш ва бериш ҳақида кўрсатма берадиган шахсларнинг ҳуқуқлари Мижоз томонидан Банкка қонунда назарда тутилган, қонунга мувофиқ Банк қоидалари ҳамда ушбу Шартнома билан белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан тасдиқланади.

4.7. Мижоз учинчи шахсларнинг талабига мувофиқ, шу жумладан Мижознинг ушбу шахслар олдидаги мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ талабига мувофиқ пул маблағларини ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш ҳақида топшириқ бериши мумкин.

4.8. Банк Шартноманинг 4.7 бандига мувофиқ тегишли талаб қўйилган вақтда уни қўйишга ҳақли бўлган шахсни аниқлаш ва бундай талабнинг характери ва асосларини белгилаш имконини берадиган зарур маълумотлар бу топшириқда ёзма равишда кўрсатилган тақдирда уларни қабул қилади.

4.9. Банк қоидаларида электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисобварақдаги пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқлаш, шунингдек, Мижознинг ўз имзоси аналогидан ҳамда тасарруф этиш учун тегишли ваколатларга эга бўлган бошқа шахс томонидан берилганлигини тасдиқловчи кодлардан, пароллардан ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш назарда тутилган бўлиши мумкин.

4.10. Банк мижознинг ҳисобварағидан пул маблағларини фақатгина унинг топшириғига биноан ёки унинг розилиги билан ҳисобдан чиқариши мумкин бўлиб, бу амалиёт тўлов ҳужжати Банкка келиб тушган кундан ёки келиб тушган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда амалга оширилади (акцептсиз тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси ва ушбу Шартнома шартлари бундан мустасно).

4.11. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари Банк томонидан ижрога фақат Мижознинг тақдим қилган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчада кўрсатилган шахслар ва Мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахсдан қабул қилинади.

4.12. Банк Тўлов ҳужжати Банкка келиб тушган иш куни (агар амалиёт куни давомида келиб тушган бўлса) ёки келиб тушган иш кунининг кейинги иш кунидан

кечиктирмай (агар амалиёт кунни тугагандан кейин келиб тушган бўлса) унинг ижросини таъминлайди.

4.13. Агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк ҳисобвараққа тушган маблағларни қабул қилиш ва киритиш ҳамда қонунчиликка, банкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган қоидаларига ва Банк операцияларига тааллуқли ишбилармонлик амалиётига мувофиқ ушбу турдаги ҳисобварақлар учун белгиланган операцияларни амалга ошириш орқали Мижознинг маблағларини топшириш бўйича кўрсатмаларни бажаради.

4.14. Банк ҳисобвараққа келиб тушаётган пул маблағларини ушбу турдаги ҳисобварақлар учун белгилаб қўйилган Операцияларни амалга ошириш йўли билан қабул қилади ва киритади.

4.15. Агар қонунда бошқача муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, Банк тегишли тўлов ҳужжати Банкка тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тушган пул маблағларини ҳисобвараққа киритиб қўяди.

4.16. Агар қонунда бошқача муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, Банк маблағларни тегишли тўлов ҳужжати Банкка тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан ўтказиши шарт.

5. ҲИСОБ КИТОБЛАР

5.1. Барча БАНК хизматлари пуллик тарзда амалга оширилади ҳамда Мижознинг барча ҳисобварақларидан ҳисоб – тўлов операцияларини ўтказишда дебет айланма суммасидан 0,10 фоиз хизмат ҳақи тўлайди.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 780-моддасига мувофиқ Мижоз Банкнинг ҳисобварағида турган пул маблағлари билан Операция қилиш бўйича хизматларига ушбу Шартномада ва Банк Тарифларда назарда тутилган шартлар асосида ҳақ тўлайди.

5.3. Банк Тарифларига киритилган ўзгартиришлар ҳақида Мижозни Банкнинг расмий сайти (www.aloqabank.uz) орқали хабардор қилинади.

5.4. Мижоз банк Тарифи бўйича тўлаши лозим бўлган хизмат ҳақи (ва бошқа тўловлар) суммасини камроқ миқдорда (имтиёзли) тўланиши белгиланган бўлиб, мижоз билан ҳисобварақ шартномаси имтиёз берилган кундан бошлаб кейинги 12 (ўн икки) календар ой ичида бекор қилинган тақдирда шартнома бекор қилингунча бўлган даврга Банк тарифида кўрсатилган миқдордаги суммани қайта ҳисоблаган ҳолда тўлайди.

5.5. Мижоз Банкка тўлаши лозим бўлган суммалар ва талаблар Банк томонидан сўзсиз (акцептсиз) тарзда исталган банкда очилган ҳисобварақлардан ундириб олиниши мумкин.

5.6. Банк сўзсиз ундириб олишда биринчи навбатда неустойкаларни, зарар ва харажатларни, кейин фоизларни ундириб олади, кейин эса асосий суммани ундириб олиши мумкин.

5.7. Банкнинг хизматлари учун ҳақ, агар Банк Тарафлар ўртасида тузилган шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Банк томонидан ҳар бир Операцияни амалга оширишдан олдин Мижознинг ҳисобварағида турган пул маблағларидан ундириб олинади.

5.8. Банкнинг хизматлари эвазига тўланадиган ҳақни ундириш учун пул маблағлари етарли бўлмаса Банк Мижознинг топширигини ижросиз қолдириши мумкин.

6. ҲИСОБВАРАҚНИ КРЕДИТЛАШ

6.1 Банк ҳисобварағи Шартномасига мувофиқ Банк Мижознинг ҳисобварағида пул маблағлари йўқлигига қарамай, Мижознинг талабларига мувофиқ тўловларни амалга оширган ҳолларда Банк Мижозга тўлов амалга оширилган кундан бошлаб тегишли суммага кредит берган (ҳисобварақни кредитлаш) ҳисобланади.

6.2 Тарафларнинг ҳисобварақни кредитлаш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар Банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз ва кредит тўғрисидаги қоидалар билан белгиланади.

6.3 Ваколатли орган қарорига асосан ва шу қарорга мувофиқ ҳисобварақ кредитланиши мумкин.

6.4 Агар Тарафлар ўртасида тузилган шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, Мижоз ҳисобварағини кредитлаш учун таъминот тақдим қилган бўлиши лозим.

7. ВАЛЮТА АМАЛИЁТЛАРИ

7.1 Банк ҳисобварағи Шартномасига мувофиқ Банк Мижознинг буюртмасига кўра валюта сотиб олиш/сотиш/конверсия амалиётларини ўтказиши мумкин.

7.2 Валюта сотиб олиш/сотиш амалиётларини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7.3 Банк Мижознинг валюта сотиб олиш/сотиш бўйича буюртмасини қониқтирганидан сўнг 2 (икки) иш кун ичида амалга оширилган операция ва устама ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширади.

7.4 Валюта сотиб олиш/сотиш/конверсия қилиш курси Банкнинг операция амалга ошириладиган кундаги курси ҳисобланади, агар Тарафлар ўртасида бошқа келишув кўзда тутилган бўлмаса.

7.5 Банк Мижознинг сотиб олган валютасини қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда сўзсиз тарзда қайтиб сотиб олиш ҳуқуқига эга.

8. ҲИСОБВАРАҚДАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ АСОСЛАРИ

8.1 Қонунчиликда ва мазкур Шартномада назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, Банк ҳисобварақдан пул маблағларини Мижознинг топшириғи асосида ҳисобдан чиқаради.

8.2 Қонунчиликда белгиланган тартибларга мувофиқ, Мижоз ҳисобварағидан бюджет даромадига, бюджетдан ташқари фондларга ўтказилиши лозим бўлган тўловларни ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда Мижознинг розилигисиз (акцептсиз) унинг ҳисобварағидан маблағларни ўтказиши мумкин.

8.3 Банк Мижознинг маблағлари етмай, валюта ҳисобварағидаги маблағлари мавжуд бўлган ҳолда, солиқ органларининг берган тақдимномасига кўра сўзсиз равишда унинг валюта маблағларини шу кунда белгиланган Банк курси бўйича бюджет олдидаги қарз ҳажмини тўлиқ қоплашга етарли миқдорда сотилишини амалга ошириши мумкин.

8.4 Иш кuni яқунланиб, баланс ҳисоботи тузилганидан сўнг, хатоликлар аниқланган ҳолларда, ушбу хатоликлар киритилган ҳисобварақларга кейинги иш кuni тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш йўли билан ҳисобварақлардан тегишли суммаларни Мижознинг розилигисиз ҳисобдан чиқариши мумкин.

8.5 Банк кўрсатилган хизматлар ва Банк олдидаги қарздорликни Мижознинг ҳисобварақда турган пул маблағлари ҳисобидан ҳар қандай ҳолларда Мижознинг топшириғисиз ҳисобдан чиқариши мумкин.

9. ҲИСОБВАРАҚДАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ КЕТМА-КЕТЛИГИ

9.1. Агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳисобварақда унга қўйилган ҳамма талабларни қаноатлантириш учун етарли миқдорда пул маблағлари бўлса, бу маблағлар ҳисобварақдан Мижознинг фармойишлари ва ҳисобдан чиқариш бўйича бошқа ҳужжатларнинг келиб тушган тартибда (календарь навбат) ҳисобдан чиқарилади.

9.2. Ҳисобварақдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари қуйидаги кетма-кетликда ҳисобдан чиқарилади:

а) биринчи навбатда мутаносиб равишда бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижрочи) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундиришга доир талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказиш ёки пулни беришни назарда тутувчи ижрочи ҳужжатлар бўйича, муаллифлик шартномаларига биноан мукофотларни тўлаш бўйича, шунингдек ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича, бюджетга тўловлар бўйича ҳамда меҳнатга оид ва унга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тўловлар бўйича ҳужжалик субъектларининг мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминловчи ижрочи ҳужжатлар бўйича пул ҳисобдан чиқарилади;

б) иккинчи навбатда бошқа пул талабларини қондиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ҳисобдан чиқарилади;

в) учинчи навбатда бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича пул календарь навбат тартибда ҳисобдан чиқарилади.

г) бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга пул маблағларини қонунчиликда белгиланган миқдорда ҳисобдан чиқариш, календарь навбат тартибидан ташқари навбатда амалга оширилади.

10. ТАЛАБНОМАЛАРНИ ЎЗАРО ҲИСОБГА ЎТКАЗИШ

10.1. Банкнинг Мижоз олдига қўйиладиган пул талабномалари, шунингдек Мижознинг Банк олдига қўядиган талабномалари, агар ҳисобварақ Шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, талабномаларини ўзаро ҳисобга ўтказиш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу Шартноманинг 10.1 бандида кўрсатилган талабномалар Банк томонидан ҳисобга олиниб, у талабномалар ўзаро ҳисобга олинганлиги тўғрисида Мижозга Банк ҳисобварағи Шартномасида белгилаб қўйилган тартибда ва муддатларда, бордию тегишли шартларни Тарафлар келишиб олишмаган бўлса, Банк одатда тегишли ҳисобварақдаги пул маблағларининг ҳолати тўғрисида Мижозга ахборот берадиган тартибда ва муддатларда ахборот бериши мумкин.

11. ҲИСОБВАРАҚНИ ТАСАРРУФ ҚИЛИШНИНГ ЧЕКЛАНИШИ

11.1. Мижоз томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги (қонун ҳужжати). Банк ўрнатган қоидалар, шунингдек, ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва ўз муддатида тақдим қилиш бўйича йўл қўйилган тартиббузарлик ҳолатлари мавжуд бўлганда, Банк ҳисоб-китоб, касса Операцияни бажаришни тўхтатиб туриши, қонунчиликка зид бўлган Операцияларни бажаришни рад этиши мумкин.

11.2. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, олдиндан огоҳлантирмасдан Мижознинг барча Операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкларини ишга солмай тўхтатиб қўйиши мумкин.

11.3. Банк Операцияни амалга ошириш учун асос бўлувчи ҳужжатларнинг ёки ундаги маълумотларни ҳақиқийлигига шубҳа туғилганида, Операцияларни ўтказишни тўхтатиши мумкин.

11.4. Банк Операцияни амалга ошириш учун Мижознинг ҳисобварағида кўрсатилган хизмат ҳақини олиш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, Операцияларни ўтказмаслиги мумкин.

11.5. Мижознинг асосий ҳисобварағида 2-сонли картотека мавжуд бўлган тақдирда, унинг бошқа ҳисобварақлари, шунингдек, бошқа Банкларда очилган (Ҳукумат қарорлари асосида очилган мақсадли ҳисобварақлар бундан мустасно) ҳисобварақлардан маблағларни Мижознинг мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар асосий ҳисобвараққа ўтказиш ва иккиламчи ҳисобварақлардаги Операцияларни тўхтатиб қўйиши мумкин.

11.6. Мижознинг ҳисобварағи бўйича Операцияларни амалга ошириш ҳақидаги топшириғини қонун ҳужжатларига зид бўлса, Мижоз ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлса, Банк олдида қарздор бўлса, амалга оширилаётган Операциялар шубҳали бўлса Банк Мижознинг ҳисобварағи бўйича Операцияларни амалга ошириш ҳақидаги топшириғини бажармаслиги мумкин.

12. МОНИТОРИНГ

12.1. Мижоз кредитни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни Банкка тақдим этади.

12.2. Мижоз Банк сўраган ва/ёки шартномада кўрсатилган барча ҳужжатларни Банкка 3 (уч) банк иш куни давомида тақдим қилади.

12.3. Банк бевосита Мижоз жойлашган жойида текширишларни амалга ошириши мумкин.

12.4. Мижоз кредит ажратилганидан сўнг 30 (ўттиз) кун давомида Банкка кредитни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини (ҳисоб-фактура, бажарилган иш ҳужжатлари ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар) тақдим этмаса ёки банк ходимларига кредит мониторингини ўтказилишида тўсқинлик қилса ёхуд шароит яратиб бермаса мазкур кредит мақсадсиз сарфланган ёки мақсадсиз фойдаланилган деб ҳисобланади.

12.5. Қуйидаги ҳолларда ҳам кредит мақсадсиз сарфланган ёки фойдаланилган деб ҳисобланади:

а) Мижоз шартномага асосан Банк назоратидан бўйин товлаганда (бош тортганда);

б) кредит ҳужжатларини расмийлаштирилаётганда Мижоз томонидан Банкка тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда;

в) ўтказиладиган мониторинг натижаларига кўра кредит мақсадсиз сарфланган ёки мақсадсиз фойдаланилган деб топилса;

г) кредит ҳисобидан сотиб олинган мулк (айланма маблағни шакллантириш учун олинган мулк бундан мустасно) Банкнинг ёзма розилигисиз сотилиши, ҳада қилиниши, алмаштирилиши ва бошқа йўл билан четлатилиши ёки мулк жойини ўзгартирилишига йўл қўйилган бўлса.

12.6. Мижоз томонидан кредитдан мақсадсиз фойдаланилганлиги ёки сарфланганлиги аниқланганда кредитнинг шу қисми муддатидан олдин ундирилиши мумкин.

12.7. Шартнома бўйича зарур бўлган ҳужжатларни Мижоздан сўралганида ушбу ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаганида Банк кредит маблағларини ажратишни тўхтатиб туриши мумкин.

12.8. Мижоз шартнома амал қилиш даврида сўралган маълумотларни Банкка тақдим этиб боради.

12.9. Мижоз ва кафилнинг даромад манбаларига нисбатан шубҳа уйғонганида ёки кредитни қайтарилиши кечиктирилганида банк вакиллари жойига чиқиб, Мижоз ва кафилнинг ҳақиқатда ишлаётганликлари ўрганиши, ёхуд уларнинг молиявий ҳолатини мониторинг қилиши мумкин.

13. ХАБАРДОР ҚИЛИШ ВА ЁЗИШМАЛАР

13.1. Мижозга нисбатан назорат қилувчи ёки ваколатли органлар томонидан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилганида (жиноят иши бўйича), ушбу ҳақида хабар топганидан сўнг Мижоз 1 (бир) кун давомида Банкни ёзма хабардор қилади.

13.2. Мижоз қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб, Мижоз 1 (бир) кун давомида Банкни ёзма хабардор қилади.

13.3. Мижознинг бошқарув органини аъзоларига ва/ёки муассисларига нисбатан жиноий иш кўзғатилган тақдирда ушбу ҳақида Банкни 1 (бир) кун ичида хабардор қилади.

13.4. Мижоз гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки унинг шикастланиши хавфи пайдо бўлганлиги тўғрисида Банкни дарҳол хабардор қилади.

13.5. Мижоз таъминот сифатида тақдим қилган гаров бузилган ва/ёки ишдан чиққан тақдирда бу ҳақида Банкка 2 (икки) кун ичида ёзма хабар беради.

13.6. Мижознинг молиявий аҳволига жиддий салбий таъсир кўрсатиши, мажбуриятларнинг бажармаслик эҳтимолини келтириб чиқарувчи ҳар қандай нохуш ўзгаришлар ёки юзага келган шарт-шароитлар тўғрисида дарҳол Банкка хабар беради.

13.7. Мижознинг номига янги банк картаси очилганда ушбу банк картаси рақами ва унинг амал қилиш муддати тўғрисида Мижоз Банкка хабар беради.

13.8. Мижоз кредит оладиган бўлса ёхуд учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил бўладиган бўлса ушбу ҳақида 2 (икки) банк иш куни ичида Банкни хабардор қилади.

13.9. Мижоз ўз юридик манзили ва реквизитларини ўзгарганлиги (янгиси очилганлиги) тўғрисида 1 (бир) кун ичида Банкни огоҳлантиради.

13.10. Мижоз ҳар қандай хат-хабарларни ёзма шаклда почта орқали юбориши керак.

13.11. Мижоз амалга оширилган тўловлар ва кредитлар бўйича қарздорликлар миқдорлари (асосий қарз, фоиз, пеня ва муддати ўтган қарздорликлар) ҳақида уяли алоқа воситалари орқали «SMS»- хабарномалар юборилишига Банкка розилигини билдиради.

13.12. Мижознинг телефон рақами ўзгарган тақдирда, Мижоз бу ҳақида 3 (уч) иш кун ичида Банкни хабардор қилади. Мижознинг телефон рақами ўзгарганлиги, ишламаганлиги ва/ёки янги рақамини Банкка тақдим қилмаганлиги сабабли Мижозга «SMS»-хабарномалар бормаганда Банк жавобгар ҳисобланмайди.

14. АНТИКОРРУПЦИЯ

14.1. Банк ва Мижоз ўртасидаги муносабатларни амалга оширишда коррупцияга йўл қўйилмайди.

14.2. Банк ва Мижоз ўртасидаги муносабатларда маълум бир афзалликларга эришиш мақсадида Тарафларга ва уларнинг ваколатли ходимларига, ёки учинчи шахсларга пул ёки қийматга эга буюмларни бериш, беришга мажбурлаш, олиш, олишга мажбурлаш қатъиян ман этилади.

15. МАХФИЙЛИК

15.1. Ушбу Шартноманинг шартлари, унга қўшимча шартномалар ва шартномани бажарилиши билан боғлиқ бўлиб, Тарафлар олган бошқа маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этилмайди, мазкур Шартнома ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

15.2. Мижоз Шартнома бўйича маълумотларни Кредит бюрolarига ва гаров реестрига, скоринг компаниясига, мобил алоқа операторига ва зарур бўлганда, суғурта компаниясига берилишига, шунингдек хизмат кўрсатиш ва хизмат сифатини яхшилаш мақсадида шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш, улардан фойдаланиш ва учинчи шахсга тақдим этилишига розилик билдиради.

15.3. Банк талаб қилиш ҳуқуқидан учинчи шахслар фойдасига воз кечиш мақсадида Шартнома бўйича барча маълумотларни тақдим этиши мумкин.

15.4. Банк барча керакли маълумотларни Шартнома доирасида ўз мажбуриятларини бажариш ёки кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида учинчи шахсларга бериши мумкин.

16. БАНКНИНГ ҲИСОБВАРАҚ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҚИЛГАН ХАРАЖАТЛАРИНИ ТЎЛАШ

16.1. Банк хизматларининг нархи тарафлар ўртасида тузилган алоҳида шартномада белгилаб қўйилмаган ҳолларда хизматлар учун тўланадиган ҳақ Банк Тарифларига мувофиқ белгиланади.

16.2. Банк Мижозга ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш учун қилган харажатларини, агар Банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Банк томонидан ҳар ойнинг охирида Мижознинг ҳисобварағида турган пул маблағлари ҳисобидан ундириб олинади.

17. ЖАВОБГАРЛИК

17.1. Тарафлардан бири Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бир Тараф бошқа Тарафга етказилган зарарни тўлайди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, бошқа қонун ҳужжатларида ва мазкур Шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

17.2. Мижоз Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда, мажбуриятларининг бажарилмаган қисмидан бажарилмаган ҳар бир кун учун 0.1% пеня тўлайди.

17.3. Мижоз Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда, мажбуриятларининг бажарилмаган қисмидан 5% жарима тўлайди.

17.4. Банк Мижознинг шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун кредиторларга тўланиши лозим бўлган суммаларни ҳисобланишига ва ундирилишига жавобгар бўлмайди.

17.5. Мижоз ўзининг ҳисобварағига маблағлар хато (нотўғри) келиб тушган тақдирда, ҳисобварағидан кучирма олинган пайдан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида уларни қайтариш учун банкка тўлов топшириғини топширмаса, бу хатолик оқибатлари учун жавобгар бўлади.

17.6. Мижоз ҳисобварағи бўйича ўтказилган Операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгар

17.7. Мижоз Банк кассасидан олинган нақд пул маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибда ва ўз вақтида кассасига кирим қилинишига, мақсадли сарфланишига ва касса ишларини ташкил этилишига жавобгар.

17.8. Банк-мижоз дастури ёки бошқа масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали банк хизматлари кўрсатилганда, ўтказилган операцияларнинг қонунийлиги учун Мижоз жавобгар ҳисобланади.

18. ФОРС-МАЖОР

18.1. Шартнома тузилганидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини, ёнғин, zilзила ва табиий офатларнинг бошқа кўринишлари, уруш, эпидемия, эпизоотия ҳамда шу каби олдини олиш имконияти бўлмаган ҳодисалар ёки қонун ҳужжатларининг бекор бўлиши ёхуд уларга киритилган ўзгартиришлар туфайли ушбу шартнома бўйича ҳар қандай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда шартнома Тарафларидан ҳеч бири жавобгар бўлмайдилар.

18.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан, агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин Тарафлар олдиндан кўриши, оқилона чора-тадбирлар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулодда тусдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари оқибати бўлса, озод этилади.

18.3. Енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларига Тарафлар таъсир ўтказа олмайдиган ва вужудга келганлиги учун жавобгар бўлмайдиган ҳодисалар, масалан, zilзила, сув тошқини, ёнғин, шунингдек мазкур Шартноманинг шартларини бажарилишига тўсқинлик қилувчи иш ташлаш, ҳукумат қарорлари ёки давлат органларининг фармойишлари, ҳар қандай тусдаги ҳарбий ҳаракатлар кирди.

18.4. Ушбу Шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари Банк қуйидаги ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади:

- а) Банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилишларда;
- б) «Банк-Мижоз» дастури орқали Операциялар бажарилганда;
- в) тўловлар Мижоз томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатларининг расмийлаштирилишида йўл қўйилган нуқсонлар натижасида кечиктирилганда ёки бошқа ҳисобвараққа ўтказиб юборилганда;
- г) Мижознинг ҳисобварақлари орқали Операцияларнинг амалга оширилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатилганда;
- д) нақд пул олиш учун зарур бўлган тўлов ҳужжатлари ўз муддатида тақдим этилмаган ёки тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқликлар ва хатоликлар мавжуд бўлганда;
- е) электроэнергияси бўлмаган ҳолларда.

19. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

19.1. Шартнома асосида ва унинг юзасидан Тарафлар ўртасида вужудга келган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар, Тарафлар томонидан музокара орқали ҳал этилади.

19.2. Вужудга келган низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиб бўлмаганда, Тарафлар ушбу низоларни суд тартибида ҳал этадилар.

20. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

20.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва жорий йилнинг 31 декабригача амалга қилади.

20.2. Шартнома муддати тугагунча 1 (бир) ой олдин Тарафларнинг бири Шартномани давом эттирмаслик ҳақида хабар бермаган бўлса, Шартнома кейинги йилнинг 31 декабрига қадар узайтирилган ҳисобланади.

21. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ

21.1. Мижоз томонидан Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар Тарафлар имзолаган икки томонлама қўшимча шартнома асосида расмийлаштирилади.

21.2. Банк Шартномани бир тарафлама ўзгартириши мумкин.

21.3. Шартномани ўзгартириш ҳақида таклифни олган Тараф унинг 5 (беш) кун ичида кўриб чиқиб, у бўйича таклифни юборган Тарафга жавоб йўллаши лозим.

21.4. Банк Шартномани бир тарафлама ўзгартириш ҳақида Мижозга хабар қилган кундан бошлаб, 5 (беш) кун ичида Мижоздан жавоб олинмаган тақдирда ўзгартириш Мижоз томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

22. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

22.1. Банк ҳисобварағи шартномаси Мижознинг аризасига мувофиқ, исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

22.2. Ушбу Шартнома Банкнинг шартномавий мажбуриятларини жиддий равишда бузганда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

22.3. Банкнинг талабига кўра Банк ҳисобварағи шартномаси қуйидаги ҳолларда суд томонидан бекор қилиниши мумкин:

а) Мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси Банк қоидаларида ёки Шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма Банк бу ҳақда огоҳлантирган кундан бошлаб 1 (бир) ойда тикланмаса,

б) агар Шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича 1 (бир) йил давомида Операциялар қилинмаган бўлса.

22.4. Банк ҳисобварағи Шартномасининг бекор қилиниши Мижоз ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

22.5. Мазкур Шартнома Мижознинг аризасига мувофиқ хоҳлаган вақтда Мижоз томонидан хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча тўловлар тўла амалга оширилгандан сўнг, ўрнатилган тартибда бекор қилинади.

22.6. Мижоз «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун талабларига ҳамда бошқа амалдаги қонун, қонун ости ҳужжатларига риоя қилмаганда Шартнома бир тарафлама Банк томонидан бекор қилинади.

22.7. Шартнома бекор қилинганда Мижоз ҳисобварақларидаги пул маблағлари қолдиги унинг ёзма аризасига асосан кечи билан 7 (етти) иш куни ичида Мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

22.8. Шартнома бекор қилинган санадан эътиборан 7 (етти) иш куни мобайнида Мижоз маблағларни бошқа ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатма бермаса, Банк Мижознинг ҳисобварағида қолган пул маблағларини «ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари»(29842) ҳисобварағига ўтказиши. Мижоз ҳисобварағи амалдаги қонунчиликка мувофиқ ёпилганидан сўнг қолган пул маблағлари 29842-сонли ҳисобвараққа ўтказилганда, ушбу пул маблағлари суммасига фоизлар ҳисобланмайди.

22.9. Мижознинг асосий ҳисобварағи, ушбу Мижозга тегишли бошқа ҳисобварақлар ёпилгандан кейингина ёпилади.

22.10. Мижоз 6 (олти) ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачалик – 3 (уч) ой мобайнида) Банк ҳисобварақлари бўйича Операцияни ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ёки қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилинган Устав капиталини шакллантирмаганлиги сабабли тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Шартнома бекор қилинади.

23. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

23.1. Мижознинг ҳисобварақни ёпиш тўғрисидаги аризаси бўйича ҳисобварақнинг ёпилиши Шартномани бекор бўлишига олиб келади.

23.2. Тарафлар ўртасида Шартнома шартлари ва уларнинг бажарилиши юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

23.3. Музокараларда Тарафлар ўзаро келишувга эриша олмаган тақдирда, низолар қонунчиликка мувофиқ суд тартибида кўриб чиқилади.

23.4. Мижознинг бошқа шахслар билан ҳисоб-китоблари бўйича ўзаро даъволари Банкнинг иштирокисиз ҳал этилади.

23.5. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси Банқда, иккинчи нусхаси Мижозда сақланади.

23.6. Агар Мижознинг ташкилий ҳуқуқий шаклида ўзгариш содир бўлса, бу тўғрисидаги маълумотларни 3 (уч) иш куни мобайнида, юридик манзилида ўзгариш содир бўлганда эса, бу тўғрисидаги маълумотларни 5 (беш) кун мобайнида Банкка тақдим қилади.

24. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

24.1. Банк ва Мижоз ўртасида тузилган мазкур Шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ тартибга солинади.

24.2. Мазкур Шартнома қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий оферта орқали электрон шартнома тарзида тузилиши мумкин.

25. ТАРАФЛАРНИНГ ПОЧТА МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«БАНК»

«МИЖОЗ»

Амалиёт ҳудудий комплекс хизматлар
кўрсатиш маркази

Вак/р: 10301000100000401001

МФО: 00401

СТИР: 200829053

Манзил: 100047, Tashkent ш.,

Mirabadskiy т., Mirobod шаҳарча, А

Temur кўча, уй 4

Тел.:

O'zRes ATKRV huzurida BINOLARDAN
FOYDALANISH VA KAPITAL QURILISH
DIREKSIYASI DM

X/p: 20210000705263631001

МФО: 00401

СТИР: 207323774

Манзил: TOSHKENT SHAHAR

SHAYXONTOHUR TUMANI LABZAK

KO'CHASI 70UY,

Тел.: +998 (99) 811 01 50

Раҳбар:

Марасулов К.А.

Раҳбар:

Алиев Ф.А.

Бош бухгалтер:

Аслонов Н.А.

Бош бухгалтер:

Джуматов С.М.

Юридик хизмат бошлиғи: _____

(ИМЗО)

